



ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ ИЖРО ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Ходжабаева Наргиза Исаковна,

PhD, Ўзбекистон Республикаси

Хуқуқни муҳофаза қилиш академия ўқитувчиси

e.mail. nargizahodjabaeva@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20084444>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 04-may 2026 yil

Ma'qullandi: 06-may 2026 yil

Nashr qilindi: 08-may 2026 yil

KEYWORDS

тиббий йўсиндаги
мажбурлов чоралари,
жиноят-ижроия
қонунчилигида, пробаця,
шифохонага жойлаштириш,
рухий касал шахс.

ABSTRACT

Жиноят-ижроия қонунчилигида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ижро этилиши тартиботи белгиланган. Бироқ, ҳозирга қадар жиноий жазо билан боғлиқ бўлмаган, мустақил равишда тайинладиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ижро этилиши устидан самарали назорат қилиш, шу жумладан шифохонага этиб бормаган, қочиб кетган шахсларни қидириш ва келтириш масалалари аниқ ечимга эга эмас. Шу муносабат билан, муаллиф томонидан бу борада миллий қонунчиликка тегишли ўзгартиришларни киритиш масаласи юзасидан тавсиялар сурилган.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни амалда ижро этишнинг айрим тартибга солинмаган жиҳатлари фуқароларнинг рухий носоғлом шахсларнинг тажовузларидан ҳимояланиш ҳуқуқлари бузилишига олиб келмоқда.

Натижада, ушбу чораларнинг мақсадларига эришилмай қолмоқда. Уларга Г. Назаренко наздида мажбурий даволаниш тайинланган шахсларни даволаниши ёки уларнинг рухий ҳолатининг ижтимоий хавфлилиги тўлиқ бартараф этиладиган даражада ўзгариши ва шу билан Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган янги жиноятларни содир этишининг олдини олиш каби мақсадлар киради¹.

Жиноят кодексининг 91-моддаси 1-қисмига биноан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари рухий ҳолати бузилган, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан ушбу шахсларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкин².

Жиноят кодексининг 94-моддасида белгиланганидек, кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ўз хулқ-атворида умумий тартибли психиатрия шифохонаси шароитларида зарур даволаш ва реабилитация чораларини амалга ошириш имконини бермайдиган

¹ Назаренко Г.В. Принудительные меры медицинского воздействия: раздел "Меры общественной безопасности" // Lex russica. 2017. N 8. С. 101 - 111.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/ru/docs/111453#202063>

қоидабузарликларга йўл қўядиган, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Жиноят-процессуал кодекснинг 577-моддаси 4-қисми “а” хатбошисига мувофиқ³, агар шахс жиноят содир этиб, кейинчалик унда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган бўлса, ёхуд у ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб топилган бўлса, бу шахсни жинойий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш ва унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида қарор чиқарилади.

Жиноят кодексининг 94-моддасига мувофиқ, суд ажримда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг алоҳида турини кўрсатиши шарт. Бироқ, ЖПКнинг 577-моддасида ажримнинг мазмунига тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг алоҳида турини кўрсатиши мажбурияти белгиланмаган. Худди шу каби Олий суд Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги “Руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг⁴ 5-бандида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари турини белгилашда суд ҳар доим ЖК 94-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиши лозим деган тушунтириш берилган, холос.

Амалдаги Жиноят-ижроия кодексининг 33-бобида⁵ тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этиш тартиби белгиланган.

Маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш Жиноят-ижроия кодексининг 182-моддасида ўрнатилган бўлиб, у алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга, руҳий ҳолати ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда бузилган маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш батафсил тартибини белгилайди.

Бироқ, Жиноят-ижроия кодексида маҳкум мақомига эга бўлмаган шахсларни мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш, руҳий ҳолати бузилган шахсни жамиятдан батамом ажратиб умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида ёки умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида ёхуд кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаш шаклидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги суд қарорини ижро этишни тартибга солувчи қоидалар мавжуд эмас.

Қонунчиликда, жумладан, ушбу шахсларга нисбатан суд қарори чиқарилгандан кейин тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш айрим жиҳатлари етарлича тартибга солинмаган.

Хусусан, Жиноят-ижроия кодексининг 184-моддасига мувофиқ, руҳий ҳолати бузилган шахсларни руҳий касалликлар шифохонасига кўчириш, шунингдек уларни бир касалхонадан иккинчисига ўтказиш қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги “Руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарори // <https://lex.uz/uz/docs/1601125>

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // <https://lex.uz/ru/docs/163629#4512784>

Бу масала билвосита Ўзбекистон Республикасининг 12.05.2021 йилдаги ЎРҚ-690-сон “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонунининг⁶ 32-моддасида кўриб чиқилган бўлиб, унда ички ишлар органларининг ходимлари стационарга ғайририхтиёрий равишда ётқизишни амалга ошириш чоғида тиббиёт ходимларига ёрдам кўрсатиши ҳамда стационарга ётқизиладиган шахс билан мулоқотда бўлиш ва уни кўздан кечириш учун хавфсиз шароитларни таъминлаши мажбурияти юклатилган. Агар стационарга ётқизиладиган шахснинг атрофдагилар ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларини бартараф этиш зарур бўлса, шунингдек стационарга ётқизилиши лозим бўлган шахсни қидириш ҳамда ушлаш зарурати бўлганда ички ишлар органларининг ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда ҳаракат қилиши белгиланади.

Амалда, маҳкум бўлмаган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий чоралар қўллаш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этишни аниқ белгиланган тартиби мавжуд эмаслиги руҳий касалликларга чалинган шахсларнинг тегишли шифохонага жойлаштиришдан бўйин товлашига олиб келиши мумкин.

Мисол учун, 2018 йилда республика бўйича соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобида турган 33 нафар руҳий касаллар томонидан қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, ўғрилиқ, безорилик ва бошқа жиноятлар содир этилган эди⁷.

Биргина Қорақалпоғистонда 2 нафар тажовузкор руҳий касал ўз турмуш ўртоқларини ҳеч бир сабабсиз қасддан ўлдирган. Мисол учун, Тўрткўл туманида яшовчи Ниязимбетов шу йил 26 март куни ухлаётган турмуш ўртоғини ҳеч бир сабабсиз бошига болта билан уриб, қасддан ўлдирган⁸.

Шунингдек, 2025 йил 19 май куни Юнусобод тумани Юнусобод деҳқон бозори ҳудудида хизмат олиб бораётган пост-патруль хизмати инспектори сафдор И.Ибрагимов ер ости тушиш йўли олдида ўтиб кетаётган фуқаро ўзининг хатти-ҳаракатлари билан шубҳа уйғотганлиги сабабли, уни тўхтатиб текшираётган бўлган. Бироқ фуқаро ёнидаги пичоқ билан тўсатдан ходимга ҳужум қилиб, бўйин қисмига жароҳат етказган. Ходим тезкорлик билан касалхонага ётқизилиб, унинг ҳаёти сақлаб қолишга эришилган. Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида гумондор шахс ушланган. Аниқланишича, у 1963 йилда туғилган, Жиззах вилояти Пахтакор туманида яшовчи Х.А.Т. бўлиб, 2005 йилдан бери руҳий касалликлар диспансерида рўйхатда туради⁹.

Бундай воқеаларнинг саноғи йўқ, масалан 2021 йил Навоий вилоятининг Хатирчи тумани «Гулистон» МФЙда содир бўлган мудҳиш ҳолатда она ўз фарзанди томонидан, ваҳшийларча пичоқланди. Бунга сабаб яна ўша эркакнинг руҳий хаста эканлиги. Ахир руҳий хаста одам нима қилаётганини билмайди¹⁰... Ёки бўлмаса, Янгийўл туманида руҳий касалликлар диспансерида рўйхатда турувчи 39 ёшли Ш. И. маст ҳолда уйда ишлаётган устани уриб, ўлимига сабабчи бўлган¹¹.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 12.05.2021 йилдаги ЎРҚ-690-сон “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонуни [//https://www.lex.uz/uz/docs/7050441](https://www.lex.uz/uz/docs/7050441)

⁷ <https://darakchi.uz/uz/62413>

⁸ <https://aniq.uz/yangiliklar/senat-ruhiy-kasallar-uta-mudhish-jinoyatlar-sodir-etmoqda>

⁹ <https://www.uzdaily.uz/uzc/toshkentda-patru-l-xizmat-inspektoriga-hujum-qilgan-gumonlanuvchi-qo%CA%BB%g-a-olindi/>

¹⁰ <https://qalampir.uz/news/navoiyda-ru%D2%B3iy-khasta-yigit-uz-onasini-pichok-lab-uldirdi-38264>

¹¹ <http://m.xabar.uz/jamiyat/qotilli>

Айрим ҳолларда суд қарори нусхаси тегишли шифохонага келиб тушади ва тиббиёт муассасасида ижро этиш учун қабул қилинади. Бироқ, соғлиқни сақлаш муассасаси ходимлари ўша даволанишга муҳтож шахсни топиш ва мажбурий даволаниш учун келтиришда тўсиқларга учрайди, ички ишлар идораларидан ёрдам сўрашмайди.

Оқибатда, руҳий хасталар орасида хавфсизлари ҳам бор, аммо хавфли тоифалар борки, айрим ҳолатларда назоратсиз қолган беморлар нафақат ўзини, балки жамиятни хавф остига қўяди.

Баъзи инсонлар ҳақиқатан ҳам ўзини идрок қилмайди. Лекин нега айнан жиноят содир этилганидан кейин «руҳий носоғлом» экани аниқланади? Аввал қаерда эди у? Қандай юрарди? Нима учун кўчада эди?

Назоратсиз одамлар кўчада юрибди, шунчаки «у руҳий касал» деб ҳар бир қотилликни оқлаб бўлмайди. Инсон ҳаёти тасодифий қотиллик учун қурбон бўлмаслиги керак.

Бу борада, тадқиқотчилар С.Н. Шишков ва С. Полубинская таъкидлаганидек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларни қўллаш тартибини айнан жиноят-ижроия қонунчилиги билан тартибга солиш зарур ва бошқа қонун ҳужжатлари, масалан, соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, ҳуқуқий муносабатларнинг ушбу соҳасини фақат жиноят-ижроия қонунчилиги билан биргаликда тартибга солиши мумкин, аммо ҳеч қандай тарзда уни алмаштира олмайди¹².

Суд қарорларини ижро этиш ва тиббий муассасалар томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилишини назорат қилишнинг мақбул ва аниқ тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги кўпинча юқорида айтиб ўтилган жиноий оқибатларга олиб келади.

Бунга ечим сифатида С. Полубинская Жиноят-ижроия кодексига тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тўлақонли, яъни жазони ижро этиш вақтидаги ва мустақил равишда (жазо тайинланмаганда) қўлланиладиган чораларни ижросига бағишланган махсус бобни киритишни таклиф қилади¹³.

Шу билан бирга, Жиноят-ижроия кодексининг 33-бобида пробация тузилмаларига шартли равишда озод қилинган пайтда ёки енгилроқ жазони ўтаётганда, шунингдек, жазони ўтаб бўлгандан кейин қўлланиладиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилаётган шахслар устидан назорат қилиш мажбурияти юкланмаган.

Шунингдек, бу вазифа “Пробация тўғрисида”ги қонунда¹⁴ ҳам ўз аксини топмаган.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, ушбу муаммони ҳал қилиш учун Жиноят-ижроия кодексининг 33-бобига Жиноят кодексининг 94-моддасига мувофиқ тайинладиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қўлланилишини назорат қилиш бўйича пробация тузилмаларнинг мажбуриятини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шахсга тегишли тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида суд қарорини олгандан сўнг, пробация тузилмаси руҳий касалликка чалинган шахснинг

¹² См.: Шишков С.Н., Полубинская С.В. Законодательные проблемы принудительных мер медицинского характера (глава 15 УК РФ) // Lex russica. 2019. N 6. С. 161 - 172.

¹³ См.: Полубинская С.В. Проблемы правового регулирования принудительных мер медицинского характера, соединенных с исполнением наказания // Ведомости уголовно-исполнительной системы. 2013. N 5. С. 22 - 27.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг 07.08.2024 йилдаги ЎРҚ-938-сон “Пробация тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/uz/docs/7050441>

тегишли турдаги шифохонага ўз вақтида жойлашувини кузатиб боради ва агар шахс ушбу мажбуриятни бажаришдан бўйин товласа, уларнинг тегишли давлат соғлиқни сақлаш муассасасига мажбуран етказиб, жойлашувини таъминлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 12.05.2021 йилдаги ЎРҚ-690-сон “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги қонунининг¹⁵ 32-моддаси 2-қисмига қуйидагича ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди: “Ички ишлар органлари, пробацция тузилмаси ёки тиббиёт муассасасининг илтимосига асосан стационарга ғайририхтиёрий равишда ётқизишни амалга ошириш чоғида тиббиёт ходимларига ёрдам кўрсатиши ҳамда стационарга ётқизилаётган шахс билан мулоқотда бўлиш ва уни кўздан кечириш, зарур бўлганда, шахсни тинтув қилиш, ушлаб туриш ва мажбурий касалхонага ётқизиш, тиббиёт ходимларининг шахсни кўриқдан ўтказиш учун хавфсиз шароитларни таъминлаши зарур”.

Хуллас, юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, мустақил равишда тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни қонуний тартибга солиш муаммоси ижро этувчи ҳокимият органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг махсус психиатрия шифохонасига ётқизилаётган шахсни келтириш ва кейинчалик амалда даволаниши устидан назорат қилиш бўйича мажбуриятларни норматив равишда белгилаш ва ваколатларни чегаралаш вазифаси тезкор ҳал қилишни талаб қилади

Адабиёт:

1. Назаренко Г.В. Принудительные меры медицинского воздействия: раздел "Меры общественной безопасности" // Lex russica. 2017. N 8. С. 101 - 111.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/ru/docs/111453#202063>
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги “Руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарори // <https://lex.uz/uz/docs/1601125>
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // <https://lex.uz/ru/docs/163629#4512784>
6. Ўзбекистон Республикасининг 12.05.2021 йилдаги ЎРҚ-690-сон “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/uz/docs/7050441>
7. <https://darakchi.uz/uz/62413>
8. <https://aniq.uz/yangiliklar/senat-ruhiy-kasallar-uta-mudhish-jinoyatlar-sodir-etmoqda>
9. <https://www.uzdaily.uz/uzc/toshkentda-patrul-xizmat-inspektoriga-hujum-qilgan-gumonlanuvchi-qo%CA%BBlga-olindi/>
10. <https://qalampir.uz/news/navoiyda-ru%D2%B3iy-khasta-yigit-uz-onasini-pichok-lab-uldiridi-38264>
11. <http://m.xabar.uz/jamiyat/qotilli>

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 12.05.2021 йилдаги ЎРҚ-690-сон “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/5422209>

12. Шишков С.Н., Полубинская С.В. Законодательные проблемы принудительных мер медицинского характера (глава 15 УК РФ) // Lex russica. 2019. N 6. С. 161 - 172.
13. Полубинская С.В. Проблемы правового регулирования принудительных мер медицинского характера, соединенных с исполнением наказания // Ведомости уголовно-исполнительной системы. 2013. N 5. С. 22 - 27.
14. Ўзбекистон Республикасининг 07.08.2024 йилдаги ЎРҚ-938-сон “Пробация тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/uz/docs/7050441>
15. Ўзбекистон Республикасининг 12.05.2021 йилдаги ЎРҚ-690-сон “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/5422209z>

